

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ, ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017.К/В/Т.37.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗР ФА ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ**

**АСИЛБЕКОВА ДАНИЯ ТОЛИМБЕКОВНА**

**APIALES, FABACEAE, LAMIACEAE, PRIMULACEAE VA  
SOLANACEAE ОИЛАЛАРИГА МАНСУБ ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР  
ВАКИЛЛАРИНИНГ ЛИПИДЛАРИ**

**02.00.10 – Биоорганик кимё**

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ  
АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018 йил**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси**  
**Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)**  
**Contents of the abstract of dissertation doctor of science (DSc)**

<b>Асилбекова Дания Толимбековна</b> Ariales, Fabaceae, Lamiaceae, Primulaceae va Solanaceae oilalariga мансуб доривор ўсимликлар вакилларининг липидлари	3
<b>Асилбекова Дания Толимбековна</b> Липиды отдельных лекарственных растений – представителей семейств Ariales, Fabaceae, Lamiaceae, Primulaceae и Solanaceae	29
<b>Asilbekova Daniya Tolimbekovna</b> Lipids of medical plants selected from Ariales, Fabaceae, Lamiaceae, Primulaceae and Solanaceae families	55
<b>Эълон қилинган ишлар рўйхати</b> Список опубликованных работ List of published works	59

**БИООРГАНИК КИМЁ ИНСТИТУТИ, ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ  
УНИВЕРСИТЕТИ, ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ  
DSc.27.06.2017. К/В/Т.37.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

---

**ЎЗР ФА ЎСИМЛИК МОДДАЛАРИ КИМЁСИ ИНСТИТУТИ**

**АСИЛБЕКОВА ДАНИЯ ТОЛИМБЕКОВНА**

**APIALES, FABACEAE, LAMIACEAE, PRIMULACEAE VA  
SOLANACEAE ОИЛАЛАРИГА МАНСУБ ДОРИВОР ЎСИМЛИКЛАР  
ВАКИЛЛАРИНИНГ ЛИПИДЛАРИ**

**02.00.10 – Биоорганик кимё**

**КИМЁ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc)  
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

**Тошкент – 2018 йил**

**Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2017.2.DSc/K24 рақам билан рўйхатга олинган.**

Докторлик диссертацияси Ўсимлик моддалари кимёси институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси ([www.biochem.uz](http://www.biochem.uz)) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида ([www.ziynet.uz](http://www.ziynet.uz)) жойлаштирилган.

**Расмий оппонентлар:**

**Бобоев Баҳром Нуриллаевич**  
кимё фанлари доктори

**Салимов Баҳодир Тахирович**  
кимё фанлари доктори

**Абдурахимов Саидакбар Абдурахмонович**  
техника фанлари доктори, профессор

**Етакчи ташкилот:**

**Тошкент фармацевтика институти**

Диссертация ҳимояси Биоорганик кимё институти, Ўзбекистон миллий университети, Ўсимлик моддалари кимёси институти ҳузуридаги DSc 27.06.2017 К/В/Т.37.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2018 йил «\_\_\_» \_\_\_\_\_соат \_\_\_ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо - Улуғбек кўч., 83.  
Тел. (99871) 262-35-40, факс (99871) 262-70-63).

Диссертация билан Биоорганик кимё институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (\_\_\_ рақами билан рўйхатга олинган. (Манзил: 100125, Тошкент ш., Мирзо Улуғбек кўч., 83. Тел. 262 35 40, факс (99871) 262 70 63. e-mail: asrarov54@mail.ru).

Диссертация автореферати 2018 йил “\_\_\_” да тарқатилди.  
(2018 йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_даги №\_\_\_ - рақамли реестр баённомаси)

**Ш.И. Салихов**

Фан доктори илмий даражасини берувчи  
илмий кенгаш раиси, б.ф.д., академик

**М.И. Асраров**

Фан доктори илмий даражасини берувчи  
илмий кенгаш илмий котиби, б.ф.д., профессор

**А.А. Ахунов**

Фан доктори илмий даражасини берувчи  
илмий кенгаш ҳузуридаги илмий семинар  
раиси, б.ф.д., профессор

## **КИРИШ (Фан доктори (DSc) диссертациясининг аннотацияси)**

**Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати.** Жаҳонда ўсимлик хом ашёсидан олинадиган, таркибида эссенциал ёғ кислоталари, фосфолипидлар, токофероллар, каротиноидлар ва бошқа липидли моддалар сақловчи воситалардан фойдаланиш урф бўлиб бормоқда. Назарий жиҳатдан эса, ўсимликлар систематикаси ва филогениясига доир муаммоли масалаларни ҳал этишда ўсимликнинг турли органларидаги липидлар, триацилглицеринлар, поляр глицеролипидлар ва улар молекуласидаги ёғ кислоталарининг тузилиши билан ушбу бирикмаларнинг ўсимлик тўқималаридаги функцияси орасидаги ўзаро боғлиқликларни аниқлаш долзарб ва муҳим фундаментал аҳамиятга эга.

Дунё миқёсида ўсимлик мойлари, фосфолипидлар ва липофил бирикмалар асосида препаратлар (Фосфоглив, Миколипин, Томатол), профилактик ва даволаш хусусиятига эга «енгил таъсир этувчи воситалар» (чаканда, примула, кунжут мойлари ва бошқалар), капсулалар, крем-бальзам ва биоқўшимчалар яратилган бўлиб, улар тиббиёт, фармацевтика ва озиқ-овқат саноатларида, фитотерапия ҳамда косметикада кенг қўлланилмоқда. Ўзбекистонда липид табиатли экстрактлар ва эфир мойларидан фойдаланиладиган ушбу соҳаларни янада ривожлантириш зарурлиги ҳамда маҳаллий маҳсулотларга бўлган эҳтиёжнинг юқорилиги диссертация мавзусининг долзарблигини ва уни бажариш зарурлигини белгилайди.

Республикамизда импорт ўрнини босувчи, халқаро бозорда рақобатдош бўла оладиган, арзон дори воситалари яратиш, бунда маҳаллий ўсимлик хом ашёсидан оқилона фойдаланиш каби стратегик масалалар ҳозирги кунда ўзгача аҳамият касб этмоқда. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгилаб берилган ушбу масалаларни ҳал этиш ва юзага келадиган вазифаларни бажариш учун маҳаллий доривор ўсимликларнинг барча фойдали бирикмаларини, шу жумладан, уларнинг липидларини кимёвий ва фармакологик жиҳатдан таҳлил қилиш талаб қилинади. Фармацевтика саноатида доривор хом ашёни комплекс қайта ишлаш жараёнида вужудга келадиган муаммоларни ўсимлик биомассасини қайта ишлаш жараёнида ҳосил бўладиган иккиламчи маҳсулотларни тўлиқ кимёвий ўрганмасдан ҳал этиш мумкин эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 16 сентябрдаги ПҚ-2595-сон «2016-2020 йилларда республика фармацевтика саноатини янада ривожлантириш чора-тадбирлари дастури тўғрисида» Қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сон «2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони ҳамда мазкур фармонга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

**Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги.** Мазкур тадқиқот республикада фан ва технологияларни ривожлантиришнинг VI. «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

**Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи<sup>1</sup>.** Доривор ва эфир мойли ўсимликларнинг липидлари таркиби ва тузилишини таҳлил қилишга, липофил экстрактлари ва эфир мойларининг фаолликларини аниқлашга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасаларида, жумладан, Université Victor Segalen Bordeaux II, Institut du Pin (Франция), University of Bristol (Англия), Institut für Physiologie und Biotechnologie der Pflanzen (Германия), Scottish Crop Research Institute (Шотландия), Université Laval (Канада), National Center for Natural Products Research, The University of Mississippi (АҚШ), The Hebrew University of Jerusalem (Исроил), Anadolu University (Туркия), Beijing University of Chinese Medicine (Хитой), CSIR-Institute of Himalayan Bioresource Technology (Ҳиндистон), Уфа Илмий марказининг Органик кимё институтида (Россия) ва «Фитохимия» ҳалқаро илмий-ишлаб чиқариш холдингида (Қозоғистон) олиб борилмоқда.

Ёғ кислоталари ва глицеролипидлар тузилишини аниқлаш бўйича жаҳонда олиб борилган тадқиқотлар асосида қатор, жумладан, қуйидаги илмий натижалар олинган: поляр глицеролипидларнинг фотосинтетик жараёнларда иштироки ва роли илмий жиҳатдан тасдиқланган (University of Bristol, Англия); Gymnospermae ва Angiospermae ўсимликларининг хемотаксономияси учун липидларнинг ёғ кислоталари таркибини қўллаш тавсия этилган (Scottish Crop Research Institute, Шотландия); галактолипидлардаги октадекатриен ва гексадекатриен кислоталарнинг нисбатини ушбу икки гуруҳ ўсимликлари ўртасидаги филогенетик боғланишларни таҳлил қилишда қўллаш мумкинлиги илмий асослаб берилган (Université Victor Segalen Bordeaux II, Франция); биологик фаол ёғ кислоталари (Уфа илмий маркази, Россия) ва липид табиатли бирикмаларни (The Hebrew University of Jerusalem, Исроил) излаш ва ажратиб олиш, улар асосида тиббиёт, фармацевтика ва косметика соҳалари учун даволовчи-профилактик дори воситалари ва биологик фаол қўшимчалар яратиш бўйича изланишлар олиб борилган (CSIR-Institute of Himalayan Bioresource Technology, Ҳиндистон); халқ табобатида қўлланиладиган доривор ва эфир мойли ўсимликлардан ажратиб олинган воситалардаги ингредиентларнинг тузилишлари ва турли хил фаолликлари аниқланган (Anadolu University, Туркия; Beijing University of Chinese Medicine, Хитой) ҳамда ўсимлик ва эфир мойлари асосида препаратлар яратилган («Фитохимия» ҳалқаро илмий-ишлаб чиқариш холдинги, Қозоғистон).

---

<sup>1</sup>Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар шарҳи [www.plantlipids.com/](http://www.plantlipids.com/), [www.cyberlipid.org/](http://www.cyberlipid.org/), [www.link.springer.com/journal/](http://www.link.springer.com/journal/), [www.lektrava.ru/encyclopedia/](http://www.lektrava.ru/encyclopedia/) ва бошқа манбалар асосида шакллантирилган.

Дунёда ўсимлик липидлари бўйича қатор, жумладан, қуйидаги устувор йўналишларда тадқиқотлар олиб борилмоқда: специфик ва эссенциал ёғ кислоталарини излаб топиш, уларнинг глицеролипидларда тақсимланиш қонуниятларини очиб бериш; доривор ва эфир мойли ўсимликлардаги биологик фаол липид табиатли моддалар ва эфир мойларининг миқдори, таркиби ва биологик фаоллигини аниқлаш; биофаол экстрактлар ва концентратлар олиш усулларини ишлаб чиқиш; липидлар ва эфир мойлари асосида оксидланишга ва микробларга қарши, тери шикастланишларини, қуйган терини даволовчи ҳамда бошқа хусусиятларга эга янги композициялар ва биокўшимчалар яратиш.

**Муаммонинг ўрганилганлик даражаси.** *Apiaceae*, *Araliaceae*, *Fabaceae*, *Lamiaceae*, *Primulaceae*, *Solanaceae* оилаларига мансуб доривор ўсимликлар тадқиқотига оид адабиётларда уруғ мойларининг ёғ кислоталари таркиби тўғрисидаги маълумотлар тўпланган. Ўсимлик мойларида  $\omega$ -3 ва  $\omega$ -6 ёғ кислоталарини излаш бўйича тадқиқотлар жадал олиб борилмоқда. Натижаларга кўра, 220 дан ортиқ специфик ёғ кислоталари топилган. Ноанъанавий тузилишга эга тўйинмаган ёғ кислоталар *Primulaceae*, *Violaginaceae*, *Solanaceae* ва бошқа оилаларга мансуб ўсимликларнинг уруғи ва фотосинтетик тўқималарида аниқланган.

Уруғларда тўйинмаган ёғ кислоталар (петрозелин, лабаллен,  $\gamma$ -линолен) ва оксидланган ёғ кислоталар изомерларининг учраши алоҳида ўсимлик тури, туркуми ва оиласи учун биологик хусусият сифатида қабул қилинган. Ординар ва специфик ёғ кислоталарининг триацилглицеринлар ва бошқа глицеролипидлар молекуласида тақсимланишига ҳам катта эътибор берилмоқда.

Чет эл олимлари К. Aitzetmüller (Германия), S. Mongrand (Франция), O.V. Sayanova (Англия), W.W. Christie (Шотландия) томонидан юқори ўсимликлар таксономиясига бағишланган тадқиқотлар олиб борилган. Ушбу изланишлар *Apiaceae*, *Primulaceae* ва *Solanaceae* оилаларига мансуб ўсимликларнинг уруғи ва баргидаги липидлар ва ёғ кислоталарини тузилиши ва таркибини аниқлашга асос бўлган. К.Н.С. Baser, Т. Ozek, F. Demirci (Туркия) ва бошқалар эфир мойли доривор ўсимликларнинг эфир мойлари таркиби ва биологик фаолликларига бағишланган изланишлар олиб боришган. Натижада ўсимликларнинг турли қисмларидаги биологик фаол эфир мойлари, эссенциал ёғ кислоталар (F витамини), қатор липофил компонентлар – каротиноидлар (А провитамины), токофероллар (Е витамини), полипреноллар, фитостероллар ва хлорофиллар тавсифланган.

Россия федерациясида О.А. Розенцвет, Ю.С. Косенкова, С.Г. Юнусова, А.Д. Дембицкий, К.Г. Ткаченко, О.В. Табакаева ва бошқа олимларнинг илмий ишлари липидлар ва учувчан бирикмаларга бағишланган. Ўсимликларда учрайдиган специфик ва биологик фаол  $\omega$ -3 ва  $\omega$ -6 кислоталар ҳамда эфир мойларига оид ушбу тадқиқотларнинг асосий мақсади маҳаллий ўсимлик захираларини излаб топиш асосида янги дори воситалари ва биологик фаол кўшимчалар олишга йўналтирилган. Натижада бу гуруҳга

тегишли бирикмаларнинг хом ашё захиралари топилган, янги даволовчи-профилактик воситалар яратилган, ўсимлик ва эфир мойлари тутувчи биоқўшимчалар парфюмерия ва косметика маҳсулотлари ишлаб чиқаришда кенг жорий этилмоқда.

Ўзбекистонда профессорлар С.А. Абдурахимов, Й.А. Қодиров, Г.У. Тиллаевалар академик А.И. Глушенкованинг ўсимлик мойлари технологияси бўйича илмий тадқиқотларини давом эттириб, ушбу йўналишларнинг ривожига салмоқли ҳисса қўшмоқдалар. Ўсимлик моддалари кимёси институтида Ўрта Осиё флораси ўсимликларининг липидлари тизимли ва мақсадли таҳлил қилиниб, бир қатор доривор ўсимликларни комплекс қайта ишлаш технологиялари ва ҳосил бўладиган чиқиндилардан биологик фаол липидли концентратлар олиш усуллари ишлаб чиқилган. Табiiй бирикмалар ва ўсимлик липидлари кимёси, фармакологияси ҳамда технологиясига оид йўналишларни ривожлантиришда профессорлар т.ф.д. Ш.Ш. Сағдуллаев, к.ф.д. С.Д. Гусакова, тиббиёт .ф.д. В.Н. Сыров, к.ф.д. Р.К. Раҳманбердиеваларнинг илмий изланишлари катта аҳамиятга молик.

**Тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот режалари билан боғлиқлиги.** Диссертация тадқиқоти Ўсимлик моддалари кимёси институти илмий-тадқиқот режасининг № 95-04 «Марказий Осиё флорасига мансуб *Thermopsis alterniflora* ва *Peganum harmala* ер устки қисми липидларини ўрганиш» (2004-2005); ФА-ФЗ-ТО46 «Маҳаллий самарадор техник ва ёввойи ўсимликларнинг биополимерлари ва липидлари тузилиши ва хоссаларини ўрганиш» (2007-2011); ФА-А11-ТО24 «Эфир мойли маҳаллий ўсимликларнинг липофил бирикмалари асосида биологик фаол композиция яратиш» (2015-2017) мавзуларидаги фундаментал ва амалий лойиҳалар доирасида бажарилган.

**Тадқиқотнинг мақсади** Apiales, Fabaceae, Lamiaceae, Primulaceae ва Solanaceae оилаларига мансуб доривор ўсимликларнинг липидлари таркиби ва тузилишини ҳамда липидли концентратлар учун маҳаллий ўсимлик хом ашё манбаларини аниқлашдан иборат.

#### **Тадқиқотнинг вазифалари:**

Apiales, Fabaceae, Lamiaceae, Primulaceae ва Solanaceae оилаларидан танлаб олинган ўсимликларнинг липидларини таҳлил қилиш, биологик фаол ёғ кислоталари ва липофил моддаларни излаш;

Primulaceae оиласига мансуб 4 турдаги ўсимликнинг генератив ва фотосинтетик тўқималаридаги липидлар ва ёғ кислоталарини қиёсий тадқиқ қилиш, *Cortusa turkestanica* турининг полиен кислоталарининг глицеролипидларда боғланиш хусусиятларини ёритиб бериш;

*Eleutherococcus sessiliflorus* Rurp. et Maxim. (Araliaceae оиласи), *Phlomis regeli* M. Pop. ва *Phlomis oreophilla* Kar. et Kir. (Lamiaceae) турларининг глицеролипидларида специфик ёғ кислоталарнинг боғланиш қонуниятларини аниқлаш;

Solanaceae оиласидан учта ўсимликнинг липидларини таҳлил этиш, *Capsicum annuum* L. ва *Mandragora turcomanica* Mizger. турларининг триацилглицеринлари тузилиши ва таркибини аниқлаш;

*Thermopsis alterniflora* Regel et Schmalh. (Fabaceae оиласи) доривор ўсимлигининг хом ашёсини ва ундан ҳосил бўладиган иккиламчи маҳсулотнинг липидлари таркибини аниқлаш, липидли концентрат олиш усулини ишлаб чиқиш;

маҳаллий ўсимликлар липидлари ва эфир мойлари асосида тери шикастланиши ва куйиши асоратларини даволовчи биологик фаол композиция яратиш ҳамда ушбу мойли воситанинг олиш усулини ишлаб чиқиш.

**Тадқиқотнинг объекти** сифатида 30 турдаги ўсимликнинг липидлари, липофил моддалари ва эфир мойлари танлаб олинган (1-жадвал).

**Тадқиқотнинг предмети** заҳира липидлари (триацилглицеринлар) ва ўсимлик тўқималарни шакллантирувчи гликолипидлар ва фосфолипидлар, ординар ва специфик ёғ кислоталар, липофил моддалар – пигментлар, алканоллар, токофероллар, фитостероллар ва эфир мойлари ҳисобланади.

**Тадқиқотнинг усуллари.** Липидлар, глицеролипидлар фракциялари, кислоталарнинг метил эфирлари ва липофил моддаларни ажратиб олиш ҳамда таҳлил қилиш учун липидологиянинг маълум услубларидан фойдаланилган. Кислоталар, глицеролипидлар ва липофил компонентларнинг тузилиши замонавий хроматографик ва спектрал усуллар бўлмиш юпка қатлам хроматографияси, колонкали хроматография, газ-суюқлик хроматографияси (ГСХ), ультрабинафша- ва инфрақизил-спектроскопия, масс-спектр (МС) ва газохроматографик масс-спектрометрия (ГХ/МС) ёрдамида таҳлил қилинган.

**Диссертация тадқиқотининг илмий янгилиги** қуйидагилардан иборат:

тадқиқ этилган 30 турдаги ўсимликнинг турли органларидаги липидлар бўйича янги маълумотлар олинган. *Primula capitellata* ва *Primula fedschenkoi* уруғи ва ер устки қисмида, *Cortusa turkestanica* уруғи ва баргларида специфик γ-линолен ва стеаридон кислоталар биринчи марта идентификация қилинган;

илк бор *Ferula tenuisecta*, *Ferula kuhistanica*, *Capsicum annuum* ва *Mandragora turcomanica* баргларида гексадекатриен кислотаси топилиб, унинг миқдори аниқланган ва ушбу ўсимликлар «16:3 ўсимликлар» гуруҳига тегишли эканлиги исботланган;

*Capsicum annuum* мевасининг триацилглицеринларида линол кислотаси ацилглицеролларнинг *sn*-2-холатида специфик боғланганлиги, *Mandragora turcomanica* меваси ва илдизида эса олеин кислотасининг иккиламчи гидроксилга боғланиш даражаси юқорироқ эканлиги аниқланган;

*Phlomis* турларининг уруғида лабаллен кислотаси триацилглицеринларнинг четки гидроксилларида боғланганлиги,

*Eleutherococcus sessiliflorus* мевасида эса петрозелин кислотасининг *sn*-3-холатда этерификацияланиш даражаси юқори экани асосланган;

специфик ёғ кислоталарининг боғланмаган шаклда учраши ва глицеролипидлар молекуласидаги боғланиш хусусиятларига асосланиб, уруғдаги этерификацияланмаган ва баргдаги галактолипидларнинг ёғ кислоталари таркибини ўсимликлар хемосистематикаси учун қўшимча белги (маркер) сифатида қўллаш тавсия этилган.

**Тадқиқотнинг амалий натижалари** қуйидагиларда ифодаланади:

*Thermopsis alterniflora* ўсимлиги липидларининг теридаги модда алмашуви жараёнларига ижобий таъсири аниқланган ва ушбу ўсимликни комплекс қайта ишлаш жараёнида ҳосил бўлган иккиламчи маҳсулотдан биологик фаол липидли концентрат олиш усули ишлаб чиқилган;

эфир мойи тутувчи маҳаллий *Daucus carota*, *Origanum tyttanthum* ва 3 турдаги *Ziziphora* ўсимликларининг ер устки қисмлари таркибида эссенциал ω3 ва ω6 ёғ кислоталари (витамин F), тритерпен кислоталар, ёғ спиртларидан ташқари, микробларга қарши хусусиятга эга эфир мойлари сақловчи липидли экстрактлар олиш учун самарали хом ашё манбаи сифатида тавсия этилган;

липидли экстрактлар ва эфир мойи асосида тери шикастланишлари ҳамда куйиш асоратларини даволовчи, томирларни кенгайтирувчи янги мойли композиция «ZiRoSol» яратилган, уни олиш усули ишлаб чиқилган, лаборатория регламенти тасдиқланган ва техник инструкция лойиҳаси тайёрланган.

**Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги** липидлар ва эфир мойларини таҳлил қилишнинг замонавий кимёвий, спектрал ва хроматографик усулларидан фойдаланилганлиги ҳамда рецензия қилинадиган журналларда чоп этилганлиги билан тасдиқланади.

**Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.** Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, 30 турдаги доривор ўсимликларнинг липидларига оид натижалар тўқималардаги ёғ кислоталар ва уларнинг глицеролипидлари тузилиши билан ўсимликларда кечадиган физиологик жараёнлардаги функцияси орасидаги ўзаро боғлиқликларни аниқлашга хизмат қилувчи янги маълумотлар ҳисобланади. Бундан ташқари, ординар ва специфик кислоталарнинг ўсимликни турли қисмларидаги триацилглицеринларда боғланиш қонуниятлари аниқланганлиги, липофил моддалар ва эфир мойларининг биологик фаолликларини таҳлил қилиш натижалари асносида маҳаллий флорага мансуб самарали доривор ўсимликлардан липидли концентратлар олиш мумкинлигининг илмий асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти яра ва тери куйишини даволовчи янги «ZiRoSol» мойли композицияси яратилганлиги ва уни олиш усули ишлаб чиқилганлиги ҳамда Интеллектуал мулк агентлиги томонидан ихтиро учун талабнома расмийлаштирилганлигида ифодаланган (Талабнома № IAP 2017 0208, 06.06.2017). Ушбу натижалар Ўсимлик моддалари кимёси институтининг тажриба ишлаб-чиқариш корхонасида маҳаллий ўсимлик хом

ашёларидан янги даволовчи-профилактик восита учун субстанция олиш имконини яратади.

**Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.** Apiales, Fabaceae, Lamiaceae, Primulaceae ва Solanaceae оиласига мансуб 30 турдаги ўсимликнинг липидлари ва липофил бирикмалари бўйича олинган илмий натижалар асосида:

терининг метаболик жараёнларига ижобий таъсир этувчи липидли биоконцентрат олиш усулига Ўзбекистон Республикаси Интеллектуал мулк агентлигининг ихтирога патенти олинган (02.02.2009, № IAP 04370). Илмий тадқиқот натижалари маҳаллий термописис ўсимлиги хом ашёсини комплекс қайта ишлаш жараёнида биологик фаол липидли концентрат олиш имконини берган;

*Mandragora*, *Origanum*, *Phlomis* ва *Salvia* турларига оид материаллар Lamiaceae ва Solanaceae ўсимлик турларига тегишли илмий адабиётларда келтирилган натижалар билан биргаликда тизимлаштирилган тарзда SpringerLink порталининг электрон китоблари коллекциясига жойлаштирилган (<https://link.springer.com/referencework/>) «Lipids, Lipophilic components and Essential Oils from Plant Sources (Eds Shakhnoza Azimova, Anna I. Glushenkova, New York, London, Springer, 2012) номли 2 томли справочникнинг тегишли бобларига киритилган. Натижада ушбу ўсимликдаги ёғ кислоталар, триацилглицеринлар ва эфир мойларини уларга турдош бошқа ўсимликларда аниқлаш, натижаларни ўзаро таққослаш, умумлаштирилган илмий материаллар тўпламидан илмий мақола ва обзорлар ҳамда тадқиқот лойиҳалари ва диплом ишларини тайёрлаш учун фойдаланиш имконияти яратилган;

ординар ва специфик ёғ кислоталар таҳлили бўйича натижалар Туркиянинг Анадолу университети Medical Plant, Drug and Scientific Research Center (AUBIVAM) маркази ҳамда фармация факультетида эътироф этилиб, илмий манба сифатида фойдаланилган (AUBIVAMнинг 2018 йил 20 августдаги маълумотномаси). Эссенциал кислоталарни спектрал ва хроматографик маълумотлари 2 та илмий лойиҳанинг тадқиқот объектларида биологик фаол липид табиатли моддаларни тавсифлаш имконини берган;

*Origanum onites*, *Capsicum annuum*, *Termopsis alterniflora* ва *Mandragora turcomanica* ўсимликларининг липидлари кимёвий таркибига оид натижалардан хориждаги имфакт фактори юқори бўлган (IF, ResearchGate) 10 дан ортиқ илмий журналларда чоп этилган обзор ва мақолаларда (Journal Citation Reports: Journal of Agricultural and Food Chemistry, 2016, Vol. 64, No 32, P. 6306, IF 3.154; Saudi Journal of Biological Sciences, 2016, Vol. 23, No 3, P. 397, IF 2.564; European Journal of Lipid Science and Technology, 2009, Vol. 111, No 7, P. 705, IF 1.831 ва бошқалар) фойдаланилган. Илмий натижалар асосида чоп этилган маълумотлар липидлар тузилишини аниқлаш, ёғ кислоталари ва липофил бирикмаларни идентификациялаш ҳамда доривор ва озуқавий ўсимликлар бўйича илмий материалларни умумлаштириш имконини берган;

*Thermopsis alterniflora* lipidlariga oid ilmiy ma'lumotlar Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси томонидан эътироф этилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2018 йил 8-майдаги №4/1255-1196-сон маълумотномаси), улар ИФА2012-6-5 «Цитизин субстанциясини ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш» инновацион лойихасида фойдаланилган. Ўсимлик ва уни қайта ишлаш чиқиндиларини таҳлил қилиш натижалари хом ашёни қайта ишлаш жараёнининг қайси босқичида lipidларни сақловчи иккиламчи маҳсулот ҳосил бўлишини аниқлаш имконини берган;

термопсис ўсимлигининг экстрактларини кимёвий ва фармакологик таҳлил қилиш натижалари ҳам ИБ-ФА-Т008 «Флатерон субстанциясини ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш» мавзусидаги инновацион лойихада қўлланилган (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг 2018 йил 8-майдаги №4/1255-1196-сон маълумотномаси). Илмий маълумотлар хом ашёни комплекс қайта ишлаш технологияси асосида олинадиган lipidли концентрат таркиби ва фаоллигини тавсифлаш имконини берган.

**Тадқиқот натижаларининг апробацияси.** Диссертация материаллари 15 та халқаро симпозиум, 7 та халқаро ва республика миқёсидаги илмий-амалий конференцияларда маъруза қилиниб, апробациядан ўтган.

**Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги.** Диссертация мавзуси бўйича 44 та илмий иш чоп этилган. Улардан Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари бўйича асосий илмий натижаларни чоп этиш тавсия этилган илмий журналларда 22 та мақола, жумладан 10 та республика ва 12 та хорижий давлатларда нашр этилган, 1 та патент олинган ва 1 та талабнома рўйхатдан ўтган.

**Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми.** Диссертация кириш, 5 та боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар, қисқартирилган сўзлар ва терминлар рўйхати ҳамда иловадан ташкил топган. Диссертация ҳажми, иловадан ташқари, 194 бетдан иборат.

## ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

**Кириш қисмида** диссертация мавзусининг долзарблиги ва бажариш зарурлиги асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари баён этилган, объекти, предмети ва усуллари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мос эканлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, натижаларининг ишончлилиги, илмий ва амалий аҳамияти, амалиётга жорий этилиши ва апробацияси ёритиб берилган, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Турли оилаларга мансуб доривор ўсимликлар кимёсининг ҳозирги ҳолати (адабиётлар шарҳи)**» деб номланган биринчи бобида *Apiaceae*, *Araliaceae*, *Fabaceae*, *Lamiaceae*, *Primulaceae*, *Solanaceae* оиласига тегишли ўсимликларнинг специфик ёғ кислоталари ва ацилглицеролларининг тузилиши ва таркибига oid илмий адабиётларда келтирилган маълумотлар муҳокама қилинган. Lipidларни таҳлил этиш, ёғ

кислоталари ва триацилглицеринлар (ТАГ) тузилишини аниқлаш усулларига алоҳида урғу берилган. Яратилган янги «ZiRoSol» мойли композиция ҳам ашёсининг таркибига кирган ўсимликлар ва уларнинг липидлари тавсифланган.

**«Ariales, Fabaceae, Lamiaceae, Primulaceae ва Solanaceae оилаларига мансуб доривор ўсимликлар вакиллариининг липидлари, ёғ кислоталари ва глицеролипидлари»** деб номланган иккинчи бобда 30 турдаги ўсимликларнинг уруғи (ёки меваси), ер устки қисми ва илдиздаги липидлар таҳлили бўйича олинган натижалар келтирилган ва мавжуд илмий маълумотлар билан таққосланган ҳолда муҳокама қилинган. Ўсимликларнинг ботаник тавсифи, қуруқ массага нисбатан липидлар ва эфир мойлари унуми ва липидлардаги липофил моддалар улуши 1-жадвалда умумлаштирилган.

Ariales вакиллари меваларида мой миқдори 8,7-18,9 % экани, ўсимликнинг бошқа қисмларида 2,9 фоиздан ошмасли аниқланган (1-жадвал). Натижаларга кўра, ўсимликлар барча қисмларининг липидларида тўйинмаган ёғ кислоталар, жумладан, ер устки қисми ва баргларида линолен (18:3 $\omega$ 3), илдизда линол кислоталар миқдори юқори бўлди. Меваларнинг липидларида октадека-6Z-ен (**1**; петрозелин, 18:1 $\omega$ 12), *Ferula kuhistanica* ва *Ferula tenuisecta* баргларида гексадека-7Z,10Z,13Z-триен (**2**; 16:3 $\omega$ 3) кислотаси биринчи марта идентификация қилинди.

*Eleutherococcus sessiliflorus* (Araliaceae оиласи) липидларини ўрганиш асносида қуйидагилар аниқланди: 1) ўсимликнинг уруғида, мева перикарпида петрозелин кислотаси (**1**) мавжуд; 2) ушбу кислота ТАГ молекулаларида нотекис тақсимланган бўлиб, кўп миқдорда *sn-3*-холатида боғланган. Ўсимлик уруғидаги гидроксикислоталар газ-суюқлик хроматографияси (ГСХ) усули билан ўрганилди ва қуйидагилар идентификацияланди (ГСХ, %): 9-ОН-10E,12Z-18:2 ва 13-ОН-9Z,11E-18:2 (47,5); 9-ОН-12Z-18:1 ва 12-ОН-9Z-18:1 (13,2); 6-ОН-9Z,12Z-18:2 (12,4); 6-ОН-12Z-18:1 (4,9); 6-ОН-9Z,12Z-16:2 (13,1); 6-ОН-12Z-16:1 (4,4) ва бошқалар (4,5).

Эфир мойлари гидродистилляция йўли билан ажратиб олинди ва газохроматографик масспектрометрия (ГХ/МС) усули ёрдамида таҳлил этилди.

Эндемик *Ferula prangifolia* ўсимлигининг эфир мойлари таркиби биринчи марта аниқланди, унинг меваси ва баргларида кўп миқдорда сесквитерпенлар (27,04 ва 41,59 %) ва уларнинг оксидланган ҳосилалари (43,96 ва 47,09 %) –  $\alpha$ -кадинол,  $\delta$ -кадинен, Т-мууролол, спатуленол, бициклогермакрен ва  $\alpha$ -мууролен топилди.

*Ferula tenuisecta* илдизи, меваси, гули ва баргининг эфир мойлари таркибини ўхшашлиги ва  $\alpha$ -пиненга бойлиги ҳамда уларда  $\beta$ -пинен, камфен, фелландрен мавжудлиги, *Ferula kuhistanica* биргларида ҳам монотерпенлар, айниқса  $\alpha$ - ва  $\beta$ -пиненлар улуши юқорилиги илк бор аниқланди.

## Тадқиқот объектларининг умумий тавсифлари

№	Ўсимлик номи	Ўсимлик қисми ёки органи	Липидлар унуми, %	Липидларда липофил моддалар улуши, %	Эфир мойлари унуми, %
1	2	3	4	5	6
<b>Apiaceae оиласи (Apiales)</b>					
1.	<i>Daucus carota</i> L.	Меваси	18,9	9,1	1,56
		Гули	9,8	21,0	1,90
		Барги	6,3	18,0	1,53
		Гулбарги	2,4	21,5	0,50
2.	<i>Ferula foetida</i> St.-Lag.	Меваси	8,7	7,8	0,35
		Илдизи	0,87	8,8	0,53
		Муми	0,1	-	7,50
3.	<i>Ferula tenuisecta</i> Korov. ex Pavlov	Меваси	15,2	1,8	1,10
		Гули	3,8	7,7	1,20
		Барги	3,5	13,8	0,30
		Илдизи	1,3	8,5	2,60
4.	<i>Ferula kuhistanica</i> Korovin.	Меваси	13,8	10,9	0,50
		Барги	4,2	12,9	0,56
		Барги	6,4	14,8	0,50
5.	<i>Ferula prangifolia</i> Korovin.	Меваси	12,9	1,9	0,70
6.	<i>Heraclеum Lehmannianum</i> Bunge.	Меваси	9,6	1,39	3,53
<b>Araliaceae оиласи (Apiales)</b>					
7.	<i>Eleutherococcus sessiliflorus</i> Rupr. & Maxim (Syn: <i>Acanthopanax sessiliflorus</i> Rurp.et Maxim).	Меваси	7,2*	**	
		Уруғи	30,3*	**	
		Перикапи	4,4*	**	
		Барги	1,9	**	
<b>Lamiaceae оиласи</b>					
8.	<i>Arishrada korolkovii</i> L. (Syn. <i>Salvia korolkovii</i> L.)	Уруғи	20,1*	1,4	**
		Ер устки қисми	4,3	18,8	0,78
9.	<i>Arishrada bucharica</i> L. (Syn. <i>Salvia bucharica</i> L.)	Барги	2,8	14,4	0,78
6.	<i>Ocimum basilicum</i> L.	Ер устки қисми	3,8	11,8	0,56
7.	<i>Origanum onites</i> L.	Ер устки қисми	4,7	18,0	1,8

1-жадвал давоми

1	2	3	4	5	6
8.	<i>Origanum tythanthum</i> Gontch.	Уруғи	18,7	3,8	**
		Ер устки қисми	4,4	16,7	1,2
9.	<i>Phlomis</i> <i>oreophilla</i> Kar. et Kir.	Уруғи	17,6*	3,2	***
		Ер устки қисми	3,1	17,9	***
10.	<i>Phlomis</i> <i>regelii</i> M.Pop.	Уруғи	12,0*	3,7	***
		Ер устки қисми	3,2	20,1	***
11.	<i>Salvia</i> <i>aethiopis</i> L	Уруғи	16,8*	2,0	***
		Ер устки қисми	1,5	15,3	0,20
12.	<i>Stachys</i> <i>hissarica</i> Regel.	Уруғи	**		0,10
		Ер устки қисми	3,8	15,5	0,12
13.	<i>Ziziphora</i> <i>clinopodioides</i> L.	Ер устки қисми	6,4	16,3	0,70
14.	<i>Ziziphora</i> <i>pamiroalaica</i> Juz.	Ер устки қисми	4,7	14,7	1,58
15.	<i>Ziziphora pedicellata</i> Pazij et Vved.	Барги	3,8	15,9	1,36
16.	<i>Anagallis</i> <i>arvensis</i> L.	Уруғи	15,3	1,2	-
		Ер устки қисми	1,4	11,7	-
17.	<i>Cortusa turkestanica</i> A. Lozinsk.	Уруғи	13,7	1,7	-
		Барги	5,3	14,1	-
18.	<i>Primula</i> <i>capitellata</i> Boiss.	Уруғи	10,3	1,1	-
		Илдизи	1,7	-	-
		Барги	5,0	14,6	-
23.	<i>Primula</i> <i>fedschenkoi</i> Rgl.	Уруғи	11,2	1,3	-
		Илдизи	1,7	**	-
		Барги	4,8	12,4	-
<b>Solanaceae оиласи</b>					
24.	<i>Capsicum</i> <i>annuum</i> L.	Уруғи	13,5	**	-
		Мева мағзи	1,8	**	-
		Барги	1,7	**	-
25.	<i>Physalis</i> <i>alkekengi</i> L	Уруғи	15,5	**	-
		Мева мағзи	2,3	**	-
		Барги	1,9	**	-


1-жадвал давоми

1	2	3	4	5	6
26.	<i>Mandragora turcomanica</i> Mizger.	Уруғи	22,1	**	
		Мева мағзи	2,0	**	
		Барги	4,6	**	
		Илдизи	3,6	**	
<b>Fabaceae оиласи</b>					
27.	<i>Alhagi pseudalhagi</i> (Bieb.) Fisch.	Уруғи	5,6	**	
		Ер устки қисми	1,8	**	
28.	<i>Crotalaria alata</i> L.	Уруғи	4,1	**	-
29.	<i>Vicia tetrasperma</i> L.	Уруғи	2,8	**	-
30.	<i>Thermopsis alterniflora</i> Rgl et Schmalh.	Уруғи	9,4	4,89	-
		Дуккак қобиғи	3,8	14,1	-
		Ер устки қисми	2,1	15,9	-


\* Липидлар петрол эфири (40-75<sup>0</sup> С) ёки гексан билан ажратиб олинган.  
 \*\* Аниқланмаган, \*\*\* Микдори 0,1 фоиздан кам.

Маҳаллий *Ferula foetida* турининг илдизи ва мумидаги эфир мойларида мажор моддалар сифатида ди-сес-бутилдисульфид, транс- ва цис-пропенил сес-бутилдисульфид, *Heracleum Lehmannianum* мевасида эса гексил бутират, октил ацетат ва (Z)-4-октенил ацетат идентификация қилинди.

*Daucus carota* ўсимлигининг эфир мойларида оксидланган сесквитерпен – каротол (68,25-78,29 %) микдори юқори экани, ўсимликнинг уруғида даукен ва (E)- $\alpha$ -бергмотен моддалари нисбатан кўпроқлиги аниқланди.




Октадека-6Z-ен кислотаси (1)



Гексадека-7Z,10Z,13Z-триен кислотаси (2)

Lamiaceae турлари уруғининг липидларини ТАГ (91-95 %) ташкил этди, боғланмаган кислоталар (0,4–2,5 %), липофил моддалар (1,4-3,8 %) ва поляр

липидлар улуши (<0,6%) эса оз бўлди. *Phlomis* турларида оксидланган глицеролипидлар (1,9-4,2 %) ва аллен-5,6-октадекадиен (3, лабаллен) кислотаси идентификацияланди. Диен кислоталарнинг миқдори таққосланганда *Ph. oreophilla* уруғида линол кислотаси, *Ph. regelii* уруғида лабаллен кислотаси кўпроқ экани топилди. *Ph. regelii* турида лабаллен кислотасининг умумий миқдорига нисбатан 11,5 фоизи ТАГнинг *sn*-2-холатида, 88,5 фоизи эса четки холатларда этерификациялангани, *Ph. oreophilla* турида ТАГнинг ўрта холатида боғланмаганлиги топилди.



аллен-5,6-Октадекадиен кислотаси (3)

*Phlomis oreophilla* ва *Ph. regelii* ўсимликларининг оксидланган кислоталари таркибида 12(9)-оксиоктадека-9*Z*(12*Z*)-ен ва 9(13)-оксиоктадека-10*E*,12*Z*(9*Z*,11*E*)-диен кислоталари идентификацияланди. *Ph. oreophilla* уруғида эпоксиацилдиацилглицеринларнинг 63 фоиздан кўпини изомер вернол ва коронар кислоталарнинг эпоксиолеилдиацилглицероллари ташкил этди, 9,10-эпоксистеарилдиацилглицероллар миқдори 2 баробар кам, 15,16-эпоксилинолоилдиацилглицероллар улуши 5 фоиздан оз. Демак, *Phlomis* туркумига тегишли бу икки ўсимлик ўзаро ёғ кислоталари таркиби, ТАГ, оксидланган ТАГ тузилишлари ва уларнинг изомерлари билан фарқланади. Глицеролипидлар тузилиши бўйича маълумотлар *Lamiaceae* оиласига мансуб ўсимликлар хемосистематикаси учун маркер бўлиб қўлланилиши мумкин.

*Lamiaceae* турларини ер устки қисми ва баргларида липидлар 1,5-4,3 %, эфир мойлари *O. onites* турида 1,8 %, *Phlomis* турларида оз миқдорни ташкил этди (1-жадвал).

2-Жадвалдаги натижаларга кўра, липидларнинг ярмидан кўпи нейтрал бўлиб, уларда кислоталар ва липофил моддалар миқдори юқори. Барча турларда мураккаб эфирлар, ёғ кислоталари, углеводородлар, спиртлар, тритерпенол ва стероллар, хлорофиллар ва феофитинлар, каротиноидлар (асосан β-каротин), *A. korolkovii*, *S. aethiopis* ва *Origanum* турларида кўшимча тритерпен кислоталари аниқланди.

Гликолипидларда асосан тўйинмаган ёғ кислоталар этерификацияланган, улардан линолен кислотаси улуши салмоқли. Гептадец-8*Z*-ен (*Ph. oreophilla*), 3*E*-гексадецен (*O. onites*, *O. tyttanthum* ва *S. aethiopis*) боғланмаган *изо*-гептадекан кислоталари (*O. tyttanthum*) идентификация қилинди.

Аввал ўрганилган ва биз таҳлил қилган *Lamiaceae* турларининг умумий липидларини сифат таркиби ўхшаш бўлишига қарамасдан, ҳар бири нейтрал ва поляр липидлар, улардаги кислоталар ва липофил моддалар таркиби бўйича индивидуал экани намоён бўлди. Ўсимликларнинг ер устки қисмида липид табиатли биологик фаол моддалардан ω6 ва ω3 эссенциал кислоталар (витамин F), фитостероллар ва уларнинг эфирлари, тритерпен спиртлар, β-каротин, хлорофиллар ва эфир мойлари мавжудлиги кўрсатиб берилди.

## 2-жадвал

### *Lamiaceae* оиласи ўсимликларининг ер устки қисми липидлари ва липофил моддалар улуши, %

Ўсимлик	НЛ*	ТАГ	ЁК	ПЛ	ЛМ	Каротиноидлар, мг% ЛМ
<i>A. bucharica</i>	63,7	<0,1	19,8	36,3	14,4	352,0
<i>A. korolkovii</i>	68,2	11,4	8,5	31,8	18,8	90,2
<i>O. basilicum</i>	45,4	<0,1	31,6	54,6	11,8	110,4
<i>O. onites</i>	52,2	<0,1	26,4	47,8	18,0	320,0
<i>O. tythanthum</i>	49,4	4,7	12,3	50,6	16,7	176,9
<i>Ph .oreophilla</i>	50,9	<0,1	>50	49,1	17,9	17,9
<i>Ph .regelii</i>	52,7	<0,1	>50	47,3	20,1	20,1
<i>S. aethiopsis</i>	68,6	<0,1	23,9	31,4	15,3	**
<i>St. hissarica</i>	72,1	<0,1	>50	27,9	15,5	**
<i>Z. clinopodioides</i>	69,9	<0,1	>50	30,1	16,3	**
<i>Z .pamiroalaica</i>	63,0	<0,1	12,0	37,0	14,7	90,0
<i>Z. pedicellata</i>	47,2	<0,1	38,6	52,8	15,9	516,0

\* НЛ – нейтрал липидлар, ТАГ – триацилглицеринлар, ЁК – боғланмаган ёғ кислоталари, ПЛ – поляр липидлар, ЛМ – липофил моддалар;

\*\* Аниқланмаган.

*Arishrada bucharica* барглариининг эфир мойлари 64 компонентдан ташкил топган бўлиб (ГХ/МС, 98,4 % модда идентификацияланган), таркибида сесквитерпенлар миқдори энг кўп (61,59 %), асосийлари 1,8-цинеол, α-хумулен, β-кариофиллен, β-боурбонендан иборат. *Stachys hissarica* учувчи мойларида ҳам 64 та компонент мавжуд, сесквитерпенларга бой (40,8%), асосийлари – гермакрен Д, 9-геранил-α-терпинен, γ-геранил-р-цимен.

*Ocimum basilicum* эфир мойларида 39 компонент аниқланди, уларнинг 43,2 фоизи оксидланган монотерпенлардан иборат бўлиб, линолоол ва α-эпикадинол улуши салмоқли.

*Origanum onites* ва *Origanum tythanthum* турларининг эфир мойларида мос тарзда 97,7 ва 99,18 фоизни ташкил этувчи 54 ва 44 та компонентлар идентификацияланди, улардан карвакрол энг кўп миқдорни ташкил этди. Эфир мойли «орегано» ўсимликларини тавсифловчи ушбу бирикма парфюмерия-косметика саноати учун бебаҳо ҳисобланади, Туркияда ўсувчи *O. onites* эфир мойида карвакрол 71,2 % бўлгани учун катта иқтисодий

аҳамият касб этади. Таққосий таҳлилларимизга кўра, маҳаллий эндемик *O. tyttanthum* тури эфир мойида 3 та компонент энг кўп миқдорда: карвакрол (49,9 %), унинг изомери – тимол (10,2 %) ва  $\gamma$  - терпинен (18,4 %).

Уч турдаги *Ziziphora* ўсимлигининг учувчи мойларида мажор модда пулегон экани аниқланди (3-жадвал). Биринчи марта эндемик *Z. pamiroalaica* турининг эфир мойлари таркиби ўрганилди, *Z. Pedicellata* эфир мойида *p*-мент-3-ен-8-ол идентификацияланди.

Олинган барча натижалар таҳлиliga кўра, Lamiaceae оиласидан *Origanum tyttanthum* ва *Ziziphora* турларини амалиётда қўллаш учун самарали эфир мойли ўсимликлар деб, хулоса қилиш мумкин.

### 3-жадвал


#### *Ziziphora pedicellata* (1), *Ziziphora clinopodioides* (2) и *Ziziphora pamiroalaica* (3) ўсимликлари эфир мойларининг асосий компонентлари, % ГХ/МС

№	Компонент	RRI <sup>A</sup>	RRI <sup>B</sup>	1	2	3
1.	$\gamma$ -Терпинен	1054	1255	<0,1	-	1,22
2.	<i>p</i> -Мент-3-ен-8-ол	1146	1621	7,48	0,17	1,31
3.	Ментон	1149	-	1,33	3,96	2,83
4.	Изоментон	1159	-	16,81	7,50	5,43
5.	Неоментол	1161	1604	1,24	-	2,81
6.	Ментол	1168	-	0,10	-	-
7.	Изопулегон	1169	-	-	2,24	1,1
8.	Изоментол	1179	1213	5,96	0,07	0,53
9.	Ментил ацетат	1291	1574	2,95	0,69	Сл.
<b>10.</b>	<b>Пулегон</b>	<b>1237</b>	<b>1662</b>	<b>56,25</b>	<b>68,67</b>	<b>72,90</b>
11.	Карвакрол	1307	2239	-	0,20	3,53
12.	Кариофиллен оксид	1571	2008	-	3,38	0,58
Аниқланган компонентлар (сони), шу жумладан:				98,68 (44)	91,0 (40)	99,87 (52)
Монотерпенлар				1,43	1,14	4,31
<b>Оксидланган монотерпенлар</b>				<b>94,87</b>	<b>86,33</b>	<b>93,27</b>
Сесквитерпенлар				2,04	1,6	0,88
Оксидланган сесквитерпенлар				0,34	3,54	0,58
Бошқа минор компонентлар йиғиндиси				6,56	4,17	7,63


\* RRI<sup>A</sup> ва RRI – Компонентларнинг HP-5 ва Innowax фазага капилляр колонкалар учун Ковач индекси.

Primulaceae оиласига мансуб *Cortusa turkestanica*, *Primula capitellata*, *Primula fedschenkoi* и *Anagallis arvensis* ўсимликларининг вегетатив ва генератив органларидаги липидлар таркиби ўрганилди. *Primula* турларида  $\Delta^6$ -полиен гуруҳидаги октадека-6Z,9Z,12Z-триен (**4**, 18:3 $\omega$ 6,  $\gamma$ -линолен) ва октадека-6Z,9Z,12Z,15Z-тетраен (**5**, 18:4 $\omega$ 3, стеаридон) кислоталар топилди.  $\Delta^6$ -Тетраен кислота ўсимликларнинг барча органларида, барг липидларида эса энг кўп миқдорда аниқланди.  $\Delta^6$ -Триен кислота ҳар икки тур баргларида топилди. *A. arvensis* уруғида  $\Delta^6$ -полиен кислоталар учрамади, ер устки

қисмининг моногалактозидацилглицеринларида 0,1 % стеаридон кислота аниқланди. *Cortusa turkestanica* уруғи мойининг захира (ТАГ) ва боғланган липидларида  $\gamma$ -линолен ва стеаридон кислоталари биринчи марта идентификацияланди (4-жадвал).



Октадека-6Z,9Z,12Z-триен кислотаси (4)



Октадека-6Z,9Z,12Z,15Z-тетраен кислотаси (5)

#### 4-жадвал

#### *Cortusa turkestanica* уруғининг ёғ кислоталари таркиби, % ГХ/МС

Кислоталар	Нейтрал липидлар		Боғланган липидлар		
	ТАГ	Боғланмаган кислоталар	ТАГ	Глико-липидлар	Фосфо-липидлар
Тўйинмаган	13,3	32,3	15,1	36,6	53,5
18:1 $\omega$ 9	7,8	7,9	9,6	45,5	12,5
18:2 $\omega$ 6	58,2	56,1	60,8	15,5	27,6
18:3 $\omega$ 3	10,3	3,7	10,7	1,0	2,3
<b>18:3<math>\omega</math>6</b>	<b>8,8</b>	-	<b>3,2</b>	<b>0,5</b>	<b>2,1</b>
<b>18:4<math>\omega</math>3</b>	<b>0,7</b>	-	<b>0,4</b>	<b>0,6</b>	<b>1,4</b>
Тўйинган	86,7	67,7	84,9	63,4	46,5

Ўсимлик баргидаги  $\gamma$ -линолен ва стеаридон кислоталар липидларда турлича тақсимланган бўлиб моногалактозидларда энг кўп миқдорда аниқланди (5-жадвал). Иккита  $\Delta 6$ -полиен кислоталаридан фақат  $\gamma$ -линолен кислота боғланмаган шаклда ҳам топилди. Барг ва уруғ липидларининг кислоталари профилини таққослаб стеаридон кислота *C. turkestanica* баргининг галактолипидларида ва  $\gamma$ -линолен кислота уруғнинг захира глицеридларида кўпроқ миқдорда тўплангани, деб хулоса қилинди. Галактолипидлар каби, баргдаги ТАГда стеаридон кислотаси миқдори  $\gamma$ -линолен кислотасидан кўп, уруғдаги ТАГда, аксинча,  $\gamma$ -линолен кислотаси миқдори сезиларли даражада кўпроқ. Олинган натижалар  $\gamma$  линолен ва стеаридон кислоталар ўсимлик барги ва уруғида мос равишда линол ва

линолен кислоталардан б-десатураза ферменти таъсирида ҳосил бўлади, деган фикрни тасдиқлайди.

Тадқиқотлар асосида биринчи марта Primulaceae оиласи ўсимликларининг вегетатив ва генератив органлари Δ6-полиен кислоталарини ўзига хос тартибда синтез қилиши, уларнинг фотосинтетик тўқималари ўта тўйинмаган стеаридон кислотасининг кўпроқ тўплаши кўрсатиб берилди. Демак, линолен ва стеаридон кислоталарини синтез қила олувчи ўсимликларни идентификациялаш ва тизимлаш учун барглардаги галактолипидлар ҳамда уруғдаги ТАГ кислоталарининг таркибини биргаликда хемотаксономик маркер сифатида қўллаш мақсадга мувофиқ.

#### 5-жадвал

#### *Cortusa turkestanica* баргининг ёғ кислоталари таркиби, % ГХ/МС

Кислота	ТАГ	Боғланмаган кислоталар	Моногалактозидлар	Дигалактозидлар	Фосфолипидлар
Тўйинмаган	58,5	83,1	89,1	80,7	59,7
16:1ω7	2,9	-	-	-	0,5
18:1ω9	12,9	<0,1	<0,1	0,3	4,8
18:2ω6	21,1	10,5	5,3	16,5	19,3
18:3ω3	17,4	70,9	74,5	55,7	38,1
<b>18:3ω6</b>	<b>1,2</b>	<b>1,7</b>	<b>2,4</b>	<b>2,0</b>	-
<b>18:4ω3</b>	<b>2,1</b>	-	<b>6,9</b>	<b>6,2</b>	-
Тўйинган	41,5	16,9	10,9	19,3	40,3

Solanaceae оиласи ўсимликлари - *Physalis alkekengi*, *Capsicum annuum* ва *Mandragora turcomanica* тадқиқотлар учун танлаб олинди. *Ph. alkekengi* баргининг липидларида 32,5 % нейтрал ва 67,5 % поляр липидлар аниқланди. Мева мағзининг экстракти нейтрал липидларга бой, унда 240 мг % каротиноид мавжуд. *C. annuum* уруғидан олинган нейтрал ва боғланган липидлар унуми мос тарзда 13,5 ва 1,5 фоизга тенг бўлди. Токофероллар уруғ липидларида (57,7 мг %) ва мева мағзида (127,0 мг %) топилди. Мева мағзи ва барги гликолипидлар ва ёғ кислоталари таркиби бўйича ўхшаш бўлиб уруғ гликолипидларида тўйинган ёғ кислоталар, шу жумладан, ўрта молекулали C<sub>9</sub>-C<sub>16</sub> углерод атомли гомологлар миқдори кўпроқ. *C. annuum* уруғи ва меваси мағзининг триацилглицеринларини асосийлари сифатида трилинолеат, *sn-1(3)*-олеил- и *sn-1(3)*-пальмитоилдилинолеат аниқланди, лекин уруғда дилинолоил-*sn-2*-олеат, мева мағзида эса олеил-*sn-2*-линолоилпальмитат ва дипальмитоил-*sn-2*-линолеат миқдори кўпроқ.

Маълумки, *C. annuum* (капсантин, капсарубин) ва *Ph. alkekengi* (зеаксантин ва β-крептоксантин эфирлари) меваларида каротиноид пигментларнинг турли ҳосилалари мавжуд. Solanaceae турларининг таҳлил натижаларига кўра, физалис ва чучук булғор калампири меваларидан эссенциал линол кислотаси (витамин F), токофероллар (антиоксидант) ва ксантофиллар (антиоксидант ва табиий озик-овқат бўёқлари) билан бойитилган концентратлар олиш мумкин.

*Mandragora turcomanica* уруғи ва меваси мағзидаги липидлар миқдори кескин фарқланса ҳам ҳар иккисидан нейтрал липидлар улуши юқори бўлди (95,4 ва 91,8 %), триацилглицеринлар 85,1 ва 64,5 фоизни ташкил этди. Илдиз липидлари нейтрал, глико- ва фосфолипидлардан (64,7, 28,1 ва 7,2 %) иборат. Нейтрал липидларнинг 32 фоизи ТАГ бўлиб, уларда олеин кислота миқдори бошқа липидларга нисбатан юқорироқ. Ферментатив гидролиз натижалари уруғда линол кислотасининг триацилглицеринларни *sn*-2-ҳолатида селектив этерификацияланганини тасдиқлаган бўлса, мева мағзида линол ва олеил кислоталар бу позицияда тенг миқдорда боғланишини кўрсатди. Илдизда, асосий тўйинмаган кислоталарнинг миқдорлари тенг бўлишига қарамасдан, *sn*-2-позицияда моноен кислотанинг диенга нисбатан боғланиш селективлиги юксак экани маълум бўлди (6-жадвал).

#### 6-жадвал

#### *Mandragora turcomanica* ўсимлигининг триацилглицеринларида кислоталарнинг ацилланиш селективлиги

Органи	Олеин	Линол	Линолен	Кислотанинг <i>sn</i> -2-ҳолатда ацилланиш селективлиги
Уруғи	0,59	1,18	–	18:2 > 18:1
Мева мағзи	1,01	0,99	1,44	18:3 > 18:1 ≥ 18:2
Илдизи	1,75	0,17	–	18:1 >> 18:2

Уруғ ва меваларда линол кислотаси *sn*-2-ҳолатда ацилланган ТАГ (7-жадвал, №1-5), илдизда эса бу позицияда олеин кислотаси этерификацияланган ТАГ изомерлари миқдори кўп (№10-14).

#### 7-жадвал

#### *Mandragora turcomanica* уруғи (1), мева мағзи (2) ва илдиздаги (3) триацилглицеринларнинг позицион изомерлари таркиби, моль%

№	ТАГ	1	2	3	№	ТАГ	1	2	3
1.	18:2-18:2-18:1	28,0	11,8	2,1	14.	18:1-18:1-18:1	1,6	4,3	6,2
2.	18:2-18:2-18:2	25,1	7,2	1,8	15.	18:1-18:1-16:0	1,1	6,4	3,8
3.	18:2-18:2-16:0	10,0	9,1	0,8	16.	18:2-18:1-18:0	0,5	2,3	4,2
4.	18:1-18:2-18:1	7,8	4,8	0,7	17.	18:1-18:1-18:3	–	–	2,0
5.	18:1-18:2-16:0	5,5	7,4	0,4	18.	18:1-18:1-18:0	0,3	1,9	1,9
6.	18:2-18:2-18:0	2,4	2,7	0,6	19.	18:2-18:1-16:1	0,1	0,3	1,4
7.	18:1-18:2-18:0	1,4	2,2	–	20.	18:0-18:1-16:0	0,1	1,4	1,0
8.	16:0-18:2-16:0	1,0	2,9	–	21.	16:0-18:1-16:0	0,2	0,2	1,4
9.	16:0-18:2-18:0	0,4	1,7	–	22.	18:2-16:0-18:1	0,2	0,3	2,6
10.	18:2-18:1-18:1	5,7	10,1	20,5	24.	18:2-16:0-18:2	0,2	0,2	2,2
11.	18:2-18:1-18:2	5,1	6,2	17,8	24.	18:2-18:0-18:1	–	–	1,5
12.	18:2-18:1-16:0	2,0	7,8	8,0	Бошқа турлар (сони)		1,3	8,8	13,1
13.	18:2-18:1-18:3	–	–	6,0			(3)	(27)	(20)

Демак, уруғ ва илдиздаги ТАГ позицион изомерлар миқдори бўйича фарқланади; мевадаги ТАГ асосан уруғ ва илдиздаги ТАГларга ўхшаш

бирикмалардан иборат. Ер остки ва фотосинтетик тўқималарда учрайдиган триацилглицеринларнинг роли ҳали у қадар маълум бўлмаса ҳам, ушбу глицеролипидларнинг, уруғда бўлгани каби, илдиз тўқималарида ҳам тўпланиши ва ўсимликнинг ўсиши ва ривожланишида захира моддалар сифатида ҳиссаси борлигини тахмин қилиш мумкин. Эҳтимол, *M. turcomanica* ўсимлигининг ер остки қисмидаги ТАГ унинг ўсиб чиқиш жараёнида қатнашиши мумкин, чунки ушбу тахминни тасдиқловчи факт, яъни ўсимликнинг на фақат уруғдан, балки вегетатив йўл билан илдиз орқали кўпайиш хусусиятига ҳам эга эканлиги маълум.

*Mandragora turcomanica* уруғи ва меваси липидларида циклоартанол, циклоартенол, лофенол, β-ситостерол, стигмастерол, кампестерол ва холестерол топилди; циклоартанол, лофенол, β-ситостерол ва кампестеролнинг турли ёғ кислоталари билан эфирлари идентификация қилинди; бу фитостероллар, шунингдек, лофенол ва унинг эфирлари илдиз липидларида ҳам аниқланди. Олинган натижаларни адабиётларда келтирилган *M. turcomanica*, *C. annuum* и *Ph. alkekengi* ва бошқа турларнинг фитостероллари таркиби билан таққослаганда бу турларда циклоартанол ва циклоартенол асосий тритерпеноллар экани аён бўлди. Фитостеролларнинг ўзаро нисбати бўйича *M. turcomanica* турини Solanaceae оиласининг салмоқли миқдорда лофенол синтезловчи *C. annuum* ва *Lycopersicon esculentum* каби ўсимликлар гуруҳига киритиш мумкин.

*Mandragora turcomanica* баргларининг липидлари 43,8 % нейтрал, 46,2% глико- ва 10,0 % фосфолипидлардан иборат бўлиб гликолипидларда 9,4 % гексадекатриен кислотаси (16:3ω3) аниқланганди.

Fabaceae оиласи вакиллари - *Alhagi pseudoalhagi*, *Crotalaria alata*, *Thermopsis alterniflora* ва *Vicia tetrasperma* уруғлари мой миқдори кам ўсимликлар (3,8-5,6 %, 1-жадвал) бўлса ҳам, нейтрал ва гликолипидларда кўп миқдорда линол кислотаси сақловчи (18:2ω6 – 34-56 %) тўйинмаган кислоталар мавжуд (76–83 %). Қуритилган *A. pseudoalhagi* ер устки қисмида, қуритилмаганига қараганда нейтрал ва гликолипидлар миқдори ортиши, фосфолипидлар камайиши, қуруқ ўсимлик хом ашёсидан флавоноидларни ажратиб олиш жараёнида липидлар шротда қолиши, у липидли концентрат олиш учун фойдали бўлиши мумкинлиги аниқланди.

*Thermopsis alterniflora* ўсимлигининг қуруқ ер устки қисми «Цитизин» ва «Флатерон» препаратлари олишда ишлатилади. Таҳлиллардан янги терилган ўсимликда қуритилган хом ашёга нисбатан липидлар миқдори кўпроқлиги ва қуритиш жараёнида барча липид гуруҳларининг миқдорини пасайиши, айниқса, фосфолипидларнинг кескин (18,8 фоиздан 1,6гача) камайиши кузатилди. Моногалактозилдиацилглицеринларда гексадека-7,10-диен кислота (16:2ω6, 0,9-1,2 %) идентификация қилинди. Кислота миқдорининг қуритилган намуна галактолипидларида камайиши унинг ўсимликдаги фотосинтетик жараёнларида иштирок этишидан далолат беради.

Липофил моддалар сифатида алифатик спиртлар  $C_{20-28}H_{45-57}OH$ , фитол, амиринлар,  $\beta$ -сито-, стигма- ва кампестероллар идентификация қилинди. Ўсимликдан препаратлар ишлаб чиқаришда ҳосил бўладиган ёғсимон иккиламчи маҳсулот ўрганилганда, ундаги липидлар 50 фоиздан ортиқлиги, ёғ кислоталарининг ярми тўйинмаган компонентлар, линолен кислотасининг улуши эса кўпроқ эканини кўрсатди.

